СССР Давлат кутубхонаси
30 АВГ 1991
Республика ҳужжатлар палатаси

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 165 (21. 032) 1991 йил 27 август, сешанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг баёноти

КПСС Марказий Комитетининг Котибияти, Сиёсий бюроси давлат тўнтаришига қарши чиқмадилар, Марказий Комитет қатъий қоралаш ва қаршилик кўрсатиш позициясига ўта олмади, коммунистларни конституциявий қонунийлик оёқости қилинишига қарши курашга отлантирмади. Фитначилар орасида партия раҳбариятининг аъзолари бор эди, бир қанча партия комитетлари ва оммавий ахборот воситалари давлат жиноятчиларининг хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватладилар. Бу эса миллионлаб коммунистларни ўнғайсиз аҳволга солиб қўйди.

Кўпгина партия аъзолари фитначилар билан ҳамкорлик қилишдан бош тортдилар, тўнтаришни қораладилар ва унга қарши курашга қўшилдилар. Барча коммунистларни ёппасига айблашга ҳеч кимнинг маънавий ҳуқуқи йўқ ва Президент сифатида мен уларни фуқаролар сифатида асоссиз айблашлардан ҳимоя қилишни ўз бурчим, деб биламан.

Мана шундай вазиятда КПСС Марказий Комитети ўзини ўзи тарқатиб юбориш ҳақида қийин бўлса ҳам, виждонан қарор қабул қилиши керак. Республика Компартиялари ва маҳаллий партия ташкилотларининг тақдирини уларнинг ўзлари белгилайдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби вазифаларини бундан буён бажаришни ўзим учун имконсиз, деб ҳисоблайман ва тегишли ваколатларни зиммамдан соқит қиламан. Конституциявий қонунийликка, жамиятни янгилаш йўлига содиқ бўлиб қолган демократик кайфиятдаги коммунистлар барча тараққийпарвар кучлар билан биргаликда меҳнат аҳлининг манфаатлари йўлида туб демократик ўзгартишларни давом эттиришга фаол қўшила оладиган янги асосларда партияни барпо этиш тарафдори бўлиб чиқишларига ишонаман.

М. ГОРБАЧЕВ.

1991 йил 24 август.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Мамлакатда вужудга келган аҳволни эътиборга олиб ва республика манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олинсин.

2. Мазкур идораларнинг раҳбарлари икки ҳафта муддат ичида Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети органларининг мақомиҳамда Низомини қайтадан кўриб чиқиб, биринчи навбатда республика ва унинг фуқаролари хавфсизлигини, манфаатларини муҳофаза қилишни назарда тутсинлар.

3. Республика ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон ССР Президентига бўйсундирилсин.

4. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига жуда қисқа муддатда республиканинг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси муҳокамасига тақдим этиш таклиф қилинсин.

5. Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги комитети, прокуратураси ва адлия органлари,шунингдек, республика ҳудудида жойлашган ички қўшинлар, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва қўшилмалари партиядан ҳоли қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, бундан буён юқорида кўрсатилган органлар ва муассасаларда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг янги ташкилий тузилмаларини вужудга келтиришга йўл қўйилмайди.

6. Мазкур маҳкамаларнинг раҳбарлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари билан биргаликда ушбу Фармон муносабати билан ишдан бўшайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун барча чораларни кўрсинлар.

Ушбу Фармон имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 25 август.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ МОЛ-МУЛКИ ТЎҒРИСИДА

1. Халқ депутатлари Советлари КПССнинг мол-мулкини муҳофазага олсинлар. Бундан буён ундан фойдаланиш масалалари мол-мулк ва жамоат бирлашмалари тўғрисидаги СССР ва республикаларнинг қонунларига қатъий мувофиқ равишда ҳал қилиниши керак.

2. Амалдаги қонунларга биноан халқ депутатлари Советлари ўз фаолиятини тўхтатадиган партия комитетлари ходимларини ишга жойлаштириш ва уларнинг ижтимоий таъминоти чора-тадбирларини кўрсинлар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва бошқа давлат идоралари фуқаролик ҳуқуқларининг бирон-бир тарзда бузилишига йўл қўймасинлар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 24 август.

КПСС МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИ БЮРОСИНИНГ ҚАРОРИ

ҒАЙРИКОНСТИТУЦИЯВИЙ ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИГА КИРГАН КПСС АЪЗОЛАРИНИНГ ПАРТИЯВИЙ МАСЪУЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

1. Ғайриконституциявий фавқулодда давлат комитети таркибига кирган раҳбар коммунистлардан О. Д. Бакланов, В. А. Крючков, В. С. Павлов, Б. К. Пуго, В. А. Стародубцев, А. И. Тизяков, Д. Т. Язов, Г. И. Янаевлар КПСС Уставининг партия барча ташкилотлари, ҳар бир коммунист Конституция ва совет қонунлари доирасида ҳаракат қилишга мажбурлигини белгилаб қўйган принципиал талабини қўпол равишда бузганликлари таъкидлансин. Улар зўравонлик билан М. С. Горбачевни мамлакат ва партияга раҳбарлик қилишдан четлатдилар, КПСС XXVIII съезди қарорларини оёқости қилдилар.

Давлат тўнтаришини ташкил этганликлари учун КПСС аъзолари О. Д. Бакланов, В. А. Крючков, В. С. Павлов, В. А. Стародубцев, А. И. Тизяков, Д. Т. Язов, Г. И. Янаев партиядан ўчирилсин. Б. К. Пуго ўз жонига қасд қилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва Котибияти айрим аъзоларининг шу даврдаги хатти-ҳаракатлари партиявий текширишдан ўтказилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ТЎҒРИСИДА

1. СССР Вазирлар Маҳкамаси ўзининг конституциявий бурчини бажармаганлиги ва давлатга қарши фитнани барбод этиш учун зарур чораларни кўрмаганлиги, Маҳкаманинг айрим аъзолари эса бу фитнада бевосита қатнашганликлари муносабати билан «СССР Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги СССР Қонунининг 14-моддасига биноан СССР Олий Кенгаши олдига СССР Вазирлар Маҳкамасига ишонч тўғрисидаги масалани қўяман.

2. Мамлакат халқ хўжалигини республикалар билан биргаликда оператив бошқаришни ташкил қилиш учун И. С. Силаев (раҳбар), А. И. Вольский, Ю. М. Лужков, Г. А. Явлинский (ўринбосарлар) бошчилигида комитет тузилсин. Уларга комитет аъзолари таркибини белгилаб, икки кун муддатда аниқ иш соҳаларига раҳбарлик учун масъул кишиларни тайинлаш топширилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль
1991 йил 24 август.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

Д. А. КОМАРЬ, И. М. КРИЧЕВСКИЙ ВА В. А. УСОВГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Демократияни ва СССР конституциявий тузумини ҳимоя қилиш чоғида мардлик ва инсоний жасорат кўрсатганлиги учун қуйидагиларга вафотидан сўнг **Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилсин.

Комарь Дмитрий Алексеевич

Кричевский Илья Маратович

Усов Владимир Александрович.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 24 август.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

Е. И. ШАПОШНИКОВНИ СССР МУДОФАА ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Евгений Иванович Шапошников СССР мудофаа вазири этиб тайинлансин. Ушбу қарор СССР Олий Кенгаши сессиясининг муҳокамасига қўйилсин.

Е. И. Шапошников ҳарбий-ҳаво кучлари Бош қўмондони вазифасидан озод қилинсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 23 август.

СССР Олий Кенгашининг ҚАРОРИ

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ БЕШИНЧИ СЪЕЗДИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Кенгаши **қарор қилади:**

СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари бешинчи съезди 1991 йил 2 сентябрь куни Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Кенгаши.

Москва, Кремль.
1991 йил 26 август.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ва Марказий назорат комиссиясида

26 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси билан Марказий назорат комиссияси раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов 19—21 августдаги ғайриконституциявий тўнтариш кунларида Компартия раҳбариятининг хатти-ҳаракатлари тўғрисида ахборот берди.

СССР Олий даражадаги давлат амалдорлари гуруҳидан иборат фавқулодда ҳолат давлат комитети ҳокимиятни жиноятқорона босиб олган дастлабки соатлардаёқ республика раҳбарияти партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларини, барча коммунистларни осойишталикни сақлаш ва сабр-тоқатли бўлишга чақирдилар, халқ депутатлари Советлари билан биргаликда барқарор ижтимоий-сиёсий вазиятни сақлаб қолиш, республика ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этилишига йўл қўймаслик, ғайриконституциявий, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга даъват этувчи иғвогарона чақириқларга берилмаслик учун ўз обрў-эътибори ва таъсиридан фойдаландилар.

Ҳар қандай муаммоларни ҳал этишда куч ишлатиш, биринчи навбатда ҳарбий куч ишлатиш йўл қўйиб бўлмайдиган восита эканлиги қатъий тарзда айтилди. Партия ташкилотлари, уларнинг сайлаб қўйилган идоралари, коммунистлар ўз ор-номуси ва қадр-қимматига дахлдор муаммоларни танклар ва баландпарвоз чақириқлар билан ҳал этиб бўлмаслигини қатъий равишда айтдилар.

Партия комитетларига, совет ва давлат идораларига, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларига бугунги кунда партия аъзоларидан, меҳнаткашлардан, аҳоли турли табақалари вакилларидан кўпдан-кўп хатлар келмоқда. Бу хатларда республика Президенти, Марказий Комитет биринчи котибининг Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатидаги, Олий Кенгаш Раёсати, Вазирлар Маҳкамаси баёнотидаги, шунингдек, республика Компартияси Марказий Камитети Бюроси билан Марказий назорат комиссияси раёсатининг тўнтариш муносабати билан берган баёнотидаги фикрлар ва хулосалар қўллаб-қувватланади. Бу баёнотларнинг ҳаммаси республика ва Компартия тақдири учун ташвиш билан йўғрилган. КПСС Марказий Комитети, Сиёсий Бюроси ва Котибияти раҳбарларидан ортодоксал қисмининг қўрқоқлиги, принципсизлиги ва жиноятқорона хатти-ҳаракатлари натижасида юзага келган вазиятга ҳеч ким бефарқ қараб туролмайди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси ўзининг XXII съездида ва КПССнинг XXVIII съездида (ўртоқ И. А. Каримов нутқида) Ўзбекистон Компартияси — ўз Устави ва Дастурига эга бўлган мустақил партия бўлиб, ўз ҳудудидаги барча масалаларни мустақил ҳал этишни қатъий равишда ва принципиал тарзда айтганлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси билан Марказий назорат комиссияси раёсатининг кенгайтирилган мажлиси қатнашчилари ўша фожиали кунларда республика партия раҳбариятининг амалда қилган ишларини маъқулладилар. Айни вақтда КПСС Марказий Комитети олий раҳбарларини кескин қоралаб, Бюро ва Раёсат 28 августдаги куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленумини чақиришга қарор қилди, унда республика Компартияси КПСС Марказий Комитети билан алоқасини тўла узиши ва КПССнинг барча тузилмаларидан чиқиши, ўз вакилларини КПССнинг сайлаб қўйилган органларидан чақириб олиши ва кейинчалик бу қарорни Компартиянинг фавқулодда съездида тасдиқлаши тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиши керак. Бу қарорлар партия ва унинг аъзолари тақдирини аниқлаб бериши мумкин. Ҳаёт Компартия партия аъзолари тақдирини ўз қўлига олган мустақил сиёсий ташкилот сифатида ўзини кўрсатишини қатъиян тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII съездига тайёргарлик кўриш учун ваколатли комиссия тузиш тўғрисидаги масалани пленум муҳокамасига киритиш ҳақидаги таклиф қабул қилинди. Унда партиянинг номини ўзгартириш, дастурий мақсадлари, Устави жамиятдаги фаолиятининг шакл ва услубларини тубдан кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатида

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси ўртоқ Ш. М. Йўлдошев Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қабул қилган республиканинг Мустақиллиги тўғрисидаги декларацияга асосланиб, Ўзбекистон ССР Президенти ўртоқ И. А. Каримовнинг Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш зарурлиги ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлаб, шу йил 26 августда «Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Қонунни маромига етказиш учун ишчи гуруҳи тузиш ҳақида фармойиш чиқарди.

Ушбу ҳужжатни республика Олий Кенгаши муҳокамасига олиб чиқиш ҳақида таклиф киритиш мақсадида ишчи гуруҳига лойиҳа устидаги ишнинг бориши тўғрисида Раёсатга уч кун ичида ахборот бериш топширилди.

АҚЛ-ИДРОК ТАНТАНАСИ

Биз, оналар учун дунёда тинчлик, осойишталик ва сабр-тоқатли бўлишдан кўра муҳимроқ нарса йўқ. Оналар ҳамиша фарзандларини ўйлашади, уларнинг доғини кўрмайин дейишади. Сўнгги кунларда мамлакатимизда рўй берган воқеалардан биз қаттиқ изтиробга тушдик. Яхшиямки, ақл-идрок билан иш тутилгани, биз ўзимиз танлаган йўлимизда қатъий турганимиз шарофатли бўлди.

Халқимизда бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кетади, деган нақл бор. Биз, деҳқонлар ҳамиша эл-юрт тинчлиги ва тўкинчилиги йўлида мардонавор меҳнат қилиб келганмиз ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ва Марказий назорат комиссияси раёсатининг Баёноти айни оқилона иш бўлди. Негаки, ҳар бир оила, хўжалик, вилоят ва минтақа тинч-осойишта бўлса, ишларимиз шунчалик баракали бўлади. Биз, деҳқонлар эса эл-юртимиз ризқ-рўзи бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг мўл-кўллигини таъминлаш йўлида фидойилик билан меҳнат қилаверамиз.

А. РЎЗМАТОВА,
Бекобод районидаги Ленин номли жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Мирзачўлни ўзлаштиришга киришилганлигининг 35 йиллигига

ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

Тошкентда Мирзачўлни ўзлаштиришга киришилганлигининг 35 йиллигини байрам қилиш юзасидан республика ташкилот комитетининг мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, Мирзачўлни ўзлаштириш республика ана шу минтақасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг бошланишигина эмас, айни пайтда Ўзбекистонда суғорма деҳқончиликни янада ривожлантиришнинг негизи ҳам бўлди. Мирзачўлда янги ерларни ўзлаштиришда орттирилган жаҳон миқёсида бетимсол тажриба кейинчалик Қарши ва Шеробод даштларида неча миллионлаб гектар қўриқ ерни оборотга киритиш, неча ўнлаб шаҳар ва қўрғонлар, юзлаб кўп тармоқли бақувват давлат хўжаликлари бунёд этиш, ривожланган ёрдамчи соҳаларни вужудга келтириш имконини берди. Кўплаб мутахассислар учун Мирзачўлни ўзлаштириш касб маҳоратини оширишнинг яхши мактаби бўлди.

Эндиликда Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги собиқ даштларда ўзлаштирилган қарийб 440 минг гектар ер юз минглаб одамларни иш билан таъминлаяпти, бу ерлардан ғалла, сабзавот ва мева, гўшт ва сут, турли саноат маҳсулотлари барқарор етказиб берилишига кафолат бермоқда. Ўзбекистонда етиштирилаётган пахтанинг бешдан бир қисми ана шу ерларда ўстирилмоқда. Мирзачўлда қишлоқ хўжалик ишларини механизациялашнинг юксак даражасига ва энг юқори меҳнат унумдорлигига эришилди. Сўнгги 35 йил мобайнида республикада 1,7 миллион гектардан кўпроқ янги суғорма ерлар ўзлаштирилди, бу ерларда эндиликда Ўзбекистон аҳолисининг 40 фоиздан кўпроғи яшамоқда ва меҳнат қилмоқда.

Шуларни назарга олиб, юбилейни ўтказиш республика ташкилот комитети жумҳуриятда ана шу воқеанинг кенг нишонлашга қарор қилди. Байрам 30 август куни Янгиерда бошланади, шундан кейин юбилей тадбирлари Мирзачўлнинг бошқа шаҳарлари ва қўрғонларида давом этади, деб қарор қилинди. Шу кунларда икки вилоят меҳнаткашларининг ютуқлари билан Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларидан, шунингдек, қўшни республикалардан келган меҳмонлар танишадилар. Мамлакатнинг бошқа минтақаларидан ҳам дастлабки чўлқуварлар таклиф этилади. Тантаналар 7 сентябрь куни Гулистон шаҳрида якунланади.

Ташкилот комитетининг мажлисида юбилей тантаналарини ташкил этиш, тантана қатнашчиларини транспорт ва хизматнинг бошқа турлари билан таъминлаш, маданий режани амалга ошириш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Республика оммавий ахборот воситаларига Мирзачўлни ўзлаштириш бошланганлигининг 35 йиллиги байрамини кенг ёритиш, унинг Ўзбекистон ССРни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамиятини кўрсатиб бериш, одамларни Ўзбекистон сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг ютуқлари билан таништириш таклиф этилди.

(ЎзТАГ).

СССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси очилди

Кеча Москвада ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси эрталаб соат 10.00 да СССР Олий Кенгаши палаталарининг Кремлдаги мажлислар залида очилди. Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлисида СССР Президенти М. С. Горбачев, жумҳуриятларнинг раҳбарлари қатнашмоқдалар. Эрталабки мажлисни Иттифоқ Совети Раиси И. Лаптев очди.

Сессияда СССР Олий Кенгаши Раиси А. И. Лукьяновнинг парламентга Мурожаатномаси ўқиб эшиттирилди. Унда бундай дейилади: «Менга қарши қўйилаётган ва мен қатъиян рад этаётган айблар муносабати билан ҳозирги вақтда ўзимнинг СССР Олий Кенгаши Раиси лавозимимда қолишим мумкин эмас, деб ҳисоблайман. Бу айблар синчковлик билан холис текширилишини, менинг инсоний қадр-қимматим қонуний тарзда ҳимоя қилинишини сўрайман». Раислик қилувчининг айтишича, Лукьянов СССР Президентига ҳам шундай илтимоснома йўллаган.

* * *

СССР Олий Кенгашининг бир гуруҳ депутатлари СССР вице-президенти лавозимига А. Н. Яковлев номзодини, СССР ташқи ишлар вазири лавозимига эса Э. А. Шеварднадзе номзодини кўрсатдилар. Бу таклиф, депутатларнинг сўзларига қараганда, улар М. С. Горбачев билан биргаликда қайта қуришни бошлаганликларига, давлат тўнтариши кунларида эса ниҳоятда юксак даражада масъулиятни ҳис этиб, фуқаролик позициясини эгаллаганларига асосланади.

* * *

Депутатлар анча давом этган ва қизғин мунозаралардан сўнг кун тартибини қабул қилдилар. Кун тартибига СССР Президентининг мамлакатда рўй берган давлат тўнтариши муносабати билан юзага келган вазият тўғрисидаги ахбороти, СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездини чақириш, 18—21 августда рўй берганига ўхшаш воқеаларнинг такрорланиш эҳтимолини истисно этадиган биринчи навбатдаги тадбирлар ва қонун ҳужжатлари рўйхати тўғрисидаги, СССР ҳукумати ва бошқа давлат органлари таркибидаги ўзгаришлар, СССР Олий Кенгаши, парламент айрим комитетлари ҳамда комиссияларининг, СССРдаги давлат ва ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг 1991 йил 18 августда ва ундан кейинги кунларда рўй берган воқеалардаги раҳбарлик ролига баҳо бериш тўғрисидаги масалалар киритилган. СССР Олий Кенгаши аппаратини зудлик билан қайта ташкил этиш зарурлиги тўғрисидаги масала ҳам кун тартибига киритилган.

* * *

СССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида нутқ сўзлаган мамлакат Президенти М. С. Горбачев давлат хавфсизлик органларини қайта ташкил этишни, давлат хавфсизлик комитети чегара қўшинларини СССР Мудофаа вазирлиги таркибига киритишни таклиф қилди. У шунингдек, парламентга Давлат хавфсизлик комитети тўғрисидаги Қонунинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ҳамда давлат хавфсизлиги органларининг бўлажак ислоҳоти негизида мазкур Қонунни қайта ишлаб чиқиш ҳақида таклиф киритди.

Сессия СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездини 2 сентябрда чақиришга қарор қилди.

(ТАСС).

Ўзбекистон—
Ҳиндистон:

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛИ

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов шу йил 17—19 август кунлари Ҳиндистон Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан шу дўст мамлакатда расмий дўстона ташриф билан бўлди. Ташриф пайтида икки томоннинг вакиллари Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида иқтисодий, савдо, илмий-техникавий ҳамда маданият, санъат, таълим, фан, сайёҳлик, спорт ва оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимларни имзоладилар.

Ўзбекистон ССР Президентининг расмий ташрифи Тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Совет — Ҳиндистон шартномасининг йигирма йиллигига тўғри келганлиги рамзий маънога эгадир. ПТИ ахборот бошқармаси таъкидлаганидек, Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон шу муҳим ҳужжатнинг амал қилиш муддатини яна йигирма йилга узайтирганликлари мамнуният туйғуларини бахш этиб, иккала мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга кўмаклашади.

Ташриф пайтида Ўзбекистон делегациясига ҳамроҳлик қилганлар орасида журналист Жаббор РАЗЗОҚОВ ҳам бор эди. Қуйида унинг дўст Ҳиндистондан тасвирга олиб қайтган сурат-лавҳаларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ



Деҳлидаги энг гўзал ва ўзига хос миллий услубда қурилган обидаларидан бири Ҳиндистон Президенти саройидир. Бу ерда Ҳиндистон жумҳурияти Президенти Рамосвами Венкатараман Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримовни қабул қилди ва дўстона суҳбатлашди. Ҳиндистон Президенти Ўзбекистондан келган меҳмонни қутлаб, ҳинд ва ўзбек халқларининг дўстлиги жуда қадим замонларга бориб тақалишини алоҳида таъкидлади.

Сизнинг Ҳиндистонга қилаётган биринчи сафарингиз Совет Иттифоқида амалга оширилаётган янгича сиёсатнинг самарали мевасидир, деди Венкатараман. Ҳинд халқининг асл фарзанди Жавоҳарлаъл Неру Ўзбекистонга бир неча марта сафар қилган ва у ўзбек халқини ғоят севар эди. Тинчлик, демократия ва қайта қуриш туфайлигина халқларимиз ўз олдиларида турган мақсадларига эришишлари мумкин.

— Жаноб Президент, — деди И. А. Каримов суҳбатда, — бизни мамлакатингизга таклиф қилиб, олий даражада кутиб олганликларингиз учун делегация аъзолари номидан миннатдорчилик билдираман. Бизнинг шаънимизга айтган илиқ сўзларингизни бутун ўзбек халқига билдирган сўзларингиз деб қабул қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам биз ҳозирги кунда янги дунё қайта туғилаётган бир даврда турибмиз. Ҳамма жойда, фақат СССРдагина эмас, балки барча мамлакатларда ўзига хос инқилобий жараён давом этмоқда. Ўйлайманки, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро иқтисодий ҳамкорлик алоқалари бу муаммони оз миқдорда бўлса ҳам ҳал қилишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Суҳбат сўнгида Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов жаноб Рамосвами Венкатараманга ўзбек миллий либоси — тўн ва дўппи совға қилди.

Суҳбат самимий дўстона вазиятда ўтди.

Суҳбатда Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг аъзолари иштирок этишди.

● **Суратда: Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов Ҳиндистон президенти билан суҳбатлашмоқда.**

ПУХТА ЗАМИН

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримовнинг Ҳиндистон тупроғидаги биринчи музокараси вице-президент Шанкар Дайал Шарма билан суҳбати бўлди. Суҳбатда вице-президент Ўзбекистон билан алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бошқа Шўро жумҳуриятлари билан муносабатларни ривожлантиришга йўл очади, деб умид билдирди. Шу муносабат билан вице-президент Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқлари қадимдан тарихий, маданий алоқалар ва савдо-сотиқ қилиб келаётганликларини эслатиб ўтди.

И. А. Каримов бўлиб ўтган суҳбатда СССР ва Ҳиндистон халқлари «самимий ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам туйғулари билан бирлашганлар, улар ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар», деб алоҳида таъкидлади. Ҳиндистон раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашув ва суҳбатлар Ўзбекистон халқи билан Ҳиндистон халқи ўртасидаги мустаҳкамланиб бораётган дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликдан яққол далолат бериб турибди.

— Тарихий алоқалар, тилларимизнинг, маданият ва санъат соҳасидаги анъаналаримизнинг яқинлиги, ҳинд халқининг бутун турмуш-турмуши — бизни яқинлаштириб, бирлаштириб турган заминдир, — дея таъкидлади Ўзбекистон Президенти. — Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, қадим асрлардан буён халқларимиз ўртасида мавжуд бўлиб келган дўстлик ришталари замон синовидан ўтди. Ана шу тарихий ўзаро яқинлик туйғулари самарали, ҳар томонлама ҳамкорлигимизни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун пухта замин бўлиб хизмат қилишига аминмиз.

● **Суратда: Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов Ҳиндистон вице-президенти Шанкар Дайал Шарма билан суҳбатда.**

БОШ ВАЗИР БИЛАН СУҲБАТ

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримовни Ҳиндистон халқи энг азиз меҳмон сифатида кутиб олди. У қаерда бўлмасин ҳамма жойда ҳурсандчилик, шоду-хуррамлик ҳукмрон бўлди. Бўйнига шода-шода гулчамбарлар тақишди. Фақат Президентгина эмас, балки барча делегация аъзолари ва уларга ҳамроҳлик қилаётган барча кишилар ҳинд халқи томонидан ҳар қадамда ўзига хос илиқликни сездилар.

Президентимиз И. А. Каримовнинг Ҳиндистон жумҳурияти Бош вазири П. В. Нарасимха Рао билан учрашуви расмий ташриф давомидаги энг муҳим воқеалардан бири бўлди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, фан, маданият, сайёҳлик, спорт ва оммавий ахборот воситалари соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов Ҳиндистон вице-президенти ва Бош вазирини ўзларига қулай вақтда Ўзбекистонга ташриф буюришларини таклиф қилди. Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

Учрашув сўнгида И. А. Каримов Ўзбекистон ҳукумати номидан Ҳиндистон ҳукуматига таниқли мусаввир СССР Давлат мукофотининг совриндори Баҳодир Жалоловнинг «Мангу ва навқирон Ҳиндистон» муаммал асарини совға қилди. Истеъдодли мўйқалам соҳибининг бу асарида ҳинд халқининг тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган жасур фарзандлари — Махатма Ганди, Жавоҳарлаъл Неру, Рабиндранат Тагорларнинг тўлақонли қиёфаси, тенгсиз ва бетакрор гўзал ҳинд санъати ўз қиёфасини топган. Бу улкан санъат асари делегация ташриф пайтидаги қароргоҳи бўлган Деҳлининг гўзал обидаси бўлмиш Ҳайдаробод саройини безаб турибди. Бу улкан картинани томоша қилган кўпгина ҳиндистонликлар мўйқалам соҳибининг истеъдодига таҳсинлар ўқидилар.

● **Суратларда: Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов Ҳиндистон Бош вазири П. В. Нарасимха Рао билан суҳбатда.**

● **Ҳиндистон ҳукуматига совға қилинган рассом Б. Жалоловнинг «Мангу ва навқирон Ҳиндистон» асари.**



«НОЙДА»ГА БОРДИЛАР

Бозор иқтисодиёти ҳаракатлар эркинлигини, хорижий ишбилармонлар билан замонавий қўшма корхоналар қуришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов Ҳиндистон сафари чоғида ва ўзининг ишбилармонлар, бизнесменлар, молия вакиллари ҳамда кўргазмалар ташкил этиш билан шуғулланадиган раҳбарлар билан учрашувлари чоғида ана шу муҳим масалаларга жиддий эътибор берди.

Ўзбекистон раҳбари Деҳли яқинидаги шаҳарчага — эркин экспорт-ишлаб чиқариш зонасига сафар қилди. Бу эркин иқтисодий зонада тўрт мингдан кўпроқ турли хилдаги ўрта ва кичик корхоналар ишлаб турибди. У Осиёдаги энг катта корхоналар мажмуи ҳисобланади. Ўзбекистон ССЖ Президенти «Нойда»даги бир қанча корхоналарнинг иши билан танишди, маъмурият вакиллари, ишчилар билан суҳбатлашди.

Меҳмонлар енгил саноат, пардоз-андоз буюмлари, дори-дармонлардан иборат махсус ташкил этилган кўргазмани кўздан кечирдилар.

● **Суратда: «Нойда» эркин иқтисодий зона фаоллари билан учрашув.**

• *«Ойнаи жаҳон» қаршисида*

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Ҳиндистон Республикасига дўстона сафари арафасида республика ойнаи жаҳонида «Дўстлик ришталари» деб номланган янги видеофильм намойиш этилди. Фильм ижодкорлари (сценарий муаллифи ва режиссёр М. Маҳкамов, операторлар Ш. Қодиров, Ғ. Зиёмуҳамедов, М. Файзуллаев, муҳаррир О. Мусаев) телетомошабинларга Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги азалий ва абадий дўстлик алоқалари ҳақида ҳикоя қилиб беришни ният қилганлар. Ўзбекистон киноҳужжатчилари архивида сақланаётган ноёб лавҳалар, фото суратлардан видеофильмда унумли фойдаланилган. Икки дўст халқларни бир-бирига яқинлаштириш, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга мувофиқ ҳисса қўшаётган замондошларимиз — ишчилар, олимлар, санъаткорлар, ишбилармонлар фаолиятига ҳам эътибор берилгани диққатга сазовордир.

Халқларимиз ўтмиши, тарихи, тақдири бир-бирига туташиб кетган. Қомусчи олимимиз Беруний биринчи бўлиб Ҳиндистон тарихини яратишга киришган. Дўст ҳинд халқи билан маданиятимиз, санъатимиз, меъморчилигимиз айниқса ҳамоҳангдир. Ҳиндистон тарихига оид архитектура топидмалари диёримизда кўплаб учрайди. Ўзбекистон Фанлар академияси қўлёзмалар институтининг ходими Ф. К. Сулаймонова Ҳиндистоннинг турли шаҳарлари, кутубхоналарида кўз қорачиғидек сақланаётган Ўзбекистон тарихига оид нодир асарлар, кўҳна Ўзбекистон билан қадимий Ҳиндистон ўртасидаги дўстона алоқаларнинг чуқур илдизлари, икки халқ маданиятининг бир-бирига таъсири ҳақида видеофильмда ҳаяжонли ҳикоя қилиб беради. Тарихий кинокадрлар томошабинларни 1955 йилга, озод ва мустақил Ҳиндистоннинг биринчи бош вазири, Ҳинд-Совет дўстлигининг буюк меъмори Жавоҳарлаъл Нерунинг қизи Индира Ганди билан Совет Иттифоқига, жумладан Ўзбекистонга қилган расмий сафари кунларига етаклагандек бўлади. Ўшанда самимий ва мустаҳкам дўстлигимиз саҳифалари янгидан очилганди, халқимиз олий мартабали меҳмонни қизғин кутиб олган, Ҳиндистон халқларига ўзининг чуқур ҳурмат-эҳтиромини намойиш этганди.

1966 йилнинг бошида Совет ҳукуматининг таклифига биноан Ҳиндистон Бош вазири ва Покистон Президенти Тошкентда учрашган эдилар. Ўзбекистон пойтахтида имзоланган декларация Ҳиндистон ярим оролидаги уруш ва низоларга чек қўйган эди. Тарихий учрашувда қатнашган Л. Б. Шастри хотираси пойтахтимизда абадий сақланиб қолган. Ҳинд халқининг атоқли фарзанди Индира Ганди хотираси ҳам Тошкентда унинг номи қўйилган саройда ҳамда ёзувчи ва мусаввирлар асарларида мангу барҳаёт. СССР халқ артисти З. Муҳаммаджонов ҳиндистонликларнинг ўзбек халқи санъатига бўлган меҳри ва катта қизиқиши, Ҳиндистон сафари таассуротлари ҳақида завқланиб гапириб беради. Ҳамза номидаги Академик драма театри саҳнасида қўйилган Р. Тагорнинг «Ганг дарёсининг қизи», Калидаснинг «Шакунтала» спектакллари халқаро Неру мукофотига сазовор бўлган эди. Кинорежиссёр, Ўзбекистон ССР халқ артисти Л. Файзиев ҳинд киносанъаткорлари билан йигирма йилдан ортиқ ҳамкорлик қилиб келаётир. У «Алибобо ва қирқ қароқчи», «Овчи» фильмлари яратилиши, ҳинд ҳамкасблари билан ижодий ҳамкорлик тўғрисида тўхталади. Ҳинд киноси юлдузи Раж Капур ўлкамиз мафтуни, халқимизнинг вафоли дўсти эди. Видеофильмда таниқли киносанъаткорнинг хушовоз хонанда Бобомурод Ҳамдамов билан жўрликда ижро этган ҳинд қўшиғи томошабин қалбида муҳрланиб қолади.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар ва ҳамкорлик ранг-баранг ва кўп қиррали. 1962 йилдан бери Тошкент радиоси орқали ҳинд тилида мунтазам эшиттиришлар бериб келинаётир. Ҳинд дўстларимиз ҳаво тўлқинлари орқали Ўзбекистон ҳаёти билан яқиндан танишмоқдалар. Мактабларда, олий ўқув юртларида ҳинд тили ўргатилмоқда. Тошкентнинг ўзида беш юздан ортиқ ҳиндистонлик талаба турли мутахассисликни эгалламоқда. Ўзбекистон ва Ҳиндистон дўстлик жамияти хилма-хил маданий ва оммавий тадбирлар ўтказяпти. Тошкентдаги «Сангам» таомхонаси, «Ганга» магазини доимо одамлар билан гавжум.

Ҳозир Тошкент, Бухоро ва Самарқандда халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий меҳмонхоналар ҳинд қурувчилари ҳамкорлигида бунёд этилмоқда. Видеофильмда, шунингдек, икки халқнинг миллий байрамлари «Утсав» ҳамда «Наврўз» муносиб ўрин олган. Бу байрамларда тинчлик, дўстлик, тотувлик учун интилишдек олижаноб туйғулар мужассамлашган. Ўзбекистон санъат усталарининг Ҳиндистондаги чиқишлари ҳам ғоят таъсирли ва унутилмасдир.

Яқинда Тошкентда ишбилармонларнинг халқаро учрашуви бўлиб ўтди. Ҳиндистонлик мутахассислар ва ишбилармонлар ҳам унинг ишида фаол қатнашдилар. Улар қўшма ва кичик корхоналар тузишда, кенг халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқариш, кўн-тери, пахта тозалаш саноатида илғор технологияни жорий этишда ўзбек дўстларига холис ёрдам бериш ниятидалар. Бу йўлда дастлабки қадамлар қўйилди ҳам. Ҳинд фирмалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган дастлабки маҳсулотлар харидорлар қўлига етиб борди. Иқтисодий ва маданий соҳадаги алоқаларимизнинг кучайиши эса икки халқ турмуши равнақига хизмат қилади.

Видеофильм режиссураси, телевизион ифода воситалари, пухта ва ўзига хос монтажи мазмунли матни хусусида ҳам илиқ сўзлар айтиш мумкин. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, видеофильм қисқа муддатда, катта иқтидор ва масъулият билан яратилган. «Дўстлик ришталари» видеофильмининг Ҳиндистон телевидениеси орқали ҳам намойиш этилиши мўлжалланган. Унинг ҳинд томошабинларига ҳам манзур бўлиши шак-шубҳасиздир. Президентимиз И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясининг Ҳиндистонга ташрифи ҳақидаги видеофильмни ҳамкорликда яратиш учун ҳинд «ойнаи-жаҳон» усталарининг розилиги олинган. Элларни элларга, дилларни дилларга яқинлаштирувчи бу видеофильм ҳам яқин кунларда экран юзини кўрса ажаб эмас.

А. КАРИМОВ,
ТошДУ телекўрсатув ва радиоэшиттириш кафедраси мудири, доцент.

А. БЕССМЕРТНИХ ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

Москва. (ТАССнинг дипломатия мухбири К. Войцехович). СССР ташқи ишлар вазири Александр Бессмертних истеъфога чиқди. ТАСС мухбирига вазирнинг шахсий котибияти ходими шуни хабар қилди.

СССР ДАВЛАТ БАНКИДА

СССР Давлат банки шуни маълум қиладики, ваколат берилган банклар 1991 йил 24 августдан бошлаб амалдаги қоидаларга мувофиқ шахсий иш билан чет элга кетаётган фуқароларга банкларнинг кассаларига келиб тушаётган хорижий валюта маблағлари миқдорида валюта сотишни тиклайди.

ХАБАР

Москва. Расмий манбалардан маълум бўлишича, СССР Президентининг маслаҳатчиси маршал С. Ф. Ахромеев 24 август куни кечқурун ўзини ўзи ўлдирган. **(ТАСС).**

• *Хитой — Ўзбекистон*

ЎЗАРО МАНФААТЛИ

Хитой Шаньси вилояти Қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг олимлари ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш учун Ўзбекистонга келдилар. Уларни Ўзбекистонда олиб борилаётган илмий-тадқиқотларнинг, жумладан, селекция ва уруғчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги илмий-тадқиқотларнинг аҳволи қизиқтирмоқда. Меҳмонларни ғаллакорликнинг аҳволи, айниқса, қизиқтирмоқда — ушбу тармоқни ривожлантириш учун икки мамлакат олимларининг куч-ғайратини бирлаштириш мўлжалланган.

Делегацияни Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг президенти А. И. Имомалиев қабул қилди.

— Ғаллакорлик ва пахтачилик соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш зарурлиги равшандир, — деди у. — Атроф-муҳитга сув ва шамол эрозиясининг таъсири, заҳарли моддалардан фойдаланиш натижасида кўп мамлакатларда, умуман бутун дунёда ғалла етиштириш камайиб бормоқда.

Шу сабабли тупроқ унумдорлигини ошириш, дон, дуккакли экинлар, озуқа экинлари ва ғўзанинг тез пишадиган, касалликларга чидамли ва юқори ҳосилли навларини яратиш муаммоларини ҳал этишда куч-ғайратларни бирлаштиришга қарор қилинди. Хитой томони билан академиямиз илмий-тадқиқот илмгоҳлари ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш тўғрисида аҳдлашувга эришилди. Бизни Хитойда деҳқончилик фанининг ютуқлари, шерикларимизни эса ўзбек олимларининг қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва ирсиятида орттирилган тажрибаси қизиқтирмоқда. Республикамиз учун толаси кўп бўлган пахта навларини яратиш юзасидан ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга молликдир.

(ЎзТАГ).

• КОРХОНАЛАР МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДА

ИЖАРА

Оҳангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли шифер заводи икки йилдирки, жумҳурият саноат корхоналари ичида энг пешқадамлардан бирига айланиб қолди. Хўш, бунинг сири нимада?

— Заводимиз ўн йиллар давомида давлатдан катта миқдорда қарз бўлиб келарди, — дейди шифер ишлаб чиқариш цехининг бошлиғи Акбарали Эргашев. — Раҳбарга жуда кўп нарса боғлиқ эканлигига бир ярим йиллик иш тажрибамизда амин бўлдик. Ўтган йилнинг бошларида заводимизга янги раҳбар келди-ю, ишчиларнинг косаси оқара бошлади. Бунга энг аввало корхонанинг бутунлай ижара усулида ишлашга ўтиши ҳам сабаб бўлди...

Дарҳақиқат, бундан ўн йиллар муқаддам шифер заводи жумҳуриятда пешқадам ишлаб чиқариш муассасаси сифатида танилган. Бунинг учун унинг ўша пайтдаги директори Тоҳир Яҳёевич Шарипов жуда катта ҳисса қўшган эди. Шифер заводи Оҳангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмасига қўшиб олингандан сўнг унинг иши сурункасига орқага кетаверди.

1990 йилнинг бошларида заводга шифер бўйича йирик мутахассис Урайимқул Ирисқулов директор этиб тайинланди. Янги директор қисқа муддат ичида одамлар ва заводнинг шароити, имкониятлари билан танишиб, заводни бутунлай мустақил қилишга, уни ижарага олишга қарор берди. Ишчилар, бирлашма маъмурияти ҳам шунга рози бўлишди.

Шуниси қувончлики, ижарага ўтилгандан кейин ҳам заводнинг ҳеч қайси цехи янгиланмади. Ҳатто капитал таъмирланмади ҳам. Янги директор бошқа нарсани — одамларнинг дили, ишга муносабати, ишчини рағбатлантирадиган иқтисодий омилларни «таъмирлади». Бунинг натижа ёмон бўлмади. Корхона режадан ортиқча сифатли шифер ишлаб чиқариб, уларни оқилона реализация қилиш натижасида барча қарзларидан бир йил ичида қутилди. Бундан ташқари, бир неча миллион сўм соф даромад ҳам олди.

Корхонада шу йилнинг биринчи ярмида қўлга киритилган ютуқлар мана бундай: режада белгиланган 100 миллион дона ўрнига 111 миллион донадан кўпроқ қимматли бинокорлик материали ишлаб чиқарилди. Айни пайтда, аҳолига 11 миллион ўрнига 12 миллионга яқин шифер сотилди. Бу эса, ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда, режадаги 13 миллион 434 минг ўрнига 15 миллион 132 минг сўмлик даромад келтирди. Бундай кўрсаткич завод тарихида ҳали кўрилмаган эди.

— Илгари ҳам шу меҳнатни қилардик. Аммо план ҳам бажарилмасди, ойлик маошимиз ҳам кўпаймасди, — дейди оддий ишчи Тошканбой Абдураҳмонов. — Чунки идорада ҳаддан ташқари ходимлар кўп эди. Оддий диспетчерларнинг ўзи олтита, ҳисобчилар эса йигирмадан ортиқ. Жами идора ходимларини ҳисоблайдиган бўлсак, улар 120 га яқин эди. Янги директор уларнинг деярли ҳаммасига «жавоб берди». Натижада биз ўз меҳнатимизга яраша иш ҳақи олаяпмиз. Бугун заводда бир ишчининг ўртача ойлик маоши 519 сўмни ташкил этади.

Ҳа, ишчининг қорни тўймас экан, оиласида тўқчилик бўлмас экан, хаёли паришон, тирикчилик ташвишида бўлаверади. Урайимқул Ирисқуловнинг заводдаги «ислоҳотларидан» бири ҳам шу бўлди. Ишчиларнинг ойлиги кескин кўпайтирилди. Тўғри, бу иш бултур кўпгина штатларнинг қисқариши ҳисобидан эди. Бу йил эса ойлик кўпайиши меҳнат унумдорлиги ортиши ҳисобига бўлаяпти.

Масалан, шу йилнинг январь ойида меҳнат унумдорлиги 112 фоизни ташкил этган бўлса, март ойига келиб 117,5 фоизга етди. Ҳозир 124 фоиздан ортиқроқни ташкил этади... Албатта, бу ишчиларнинг ойлик маошлари кўпайишига ҳам ўз-ўзидан ижобий таъсир кўрсатди. Бир ишчининг ўртача ойлик маоши шу йилнинг январь ойида 346 сўм эди, апрель ойида у 474 сўмга чиқди, Июнь ойида бу рақам 519 сўмга кўтарилди. Хўш, заводда бу ютуқларга қандай эришилди?

— Деярли қўшимча ҳеч нарса қилганимиз йўқ, — дейди завод директори. — Фақат одамларнинг иш вақти омилларидан тўғри фойдаландик. Уларга сифатли маҳсулот ишлаб чиқарганлари учун мукофотли маошлар тайинладик. Ҳар дона шифер учун келадиган даромад завод бўйича директордан тортиб то вагонга ортувчилargача тенг тақсимланади. Бу — биринчи омил. Иккинчидан, илгари шифер ишлаб чиқариш учун қолиплар темирдан ясалар ва бунинг учун кўп пул сарфлардик. Ҳозир унинг ўрнига арзон полимерлардан фойдаланяпмиз. Бу эса ҳар дона шифер ишлаб чиқаришга сарфланадиган пулнинг 67 тийинини иқтисод қилишимизга имконият туғдирди. Ва ниҳоят, ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга катта аҳамият бердик. Буларнинг барчаси кейинги ярим йил мобайнида 132 минг сўм иқтисод қилинишига олиб келди. Йил охиригача бу рақам 8 миллион сўмни ташкил этади.

Қўлга киритилган ютуқларда барча ишчилар қатори бош муҳандис А. Скрепцов, смена бригадирлари Т. Галзиманов, С. Волков, В. Жоголев, машинистлар В. Громов, В. Коржавин, ихтирочи ишчилар Т. Тўрақулов, В. Смирнов, Э. Марасулов ва бошқаларнинг улкан ҳиссалари бор.

Завод жамоаси олдида қандай муаммолар турибди? Ишчиларнинг моддий аҳволини янада яхшилаш учун нималар мўлжалланмоқда? Завод мутахассисларининг фикрича, заводни Оҳангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмасидан ажратиб олиш керак. У мустақил корхона сифатида ўзини оқлашига бу ердагиларнинг ҳаммаси юз фоиз кафолат бермоқда. Чунки бирлашмадаги аксари заводлар ишлаб чиқариш режаларини бажармайдилар. Натижада шиферчилар келтирган соф фойда ҳам маълум даражада бирлашма кўрсаткичларига сингдириб юборилади. Иккинчидан, заводда иш ҳаддан ташқари қийин. Тўғри, сўнгги пайтларда анчагина ибратли тадбирлар амалга оширилди. Бироқ ишчига тўланадиган 60 сўмлик товон пули ҳозирги иқтисодий танглик даврида урвоқ ҳам бўлмайди. Олинган соф даромаднинг бир қисми ҳисобига товон пулини камида 100 сўмга кўтариш керак...

Заводнинг ўз кашшофлар лагерини қуриш, дам олиш зонасини ташкил этиш лозим. Буларнинг барчаси корхона маъмурияти олдида турган долзарб вазифалар ҳисобланади. Завод директори Ў. Ирисқулов ҳозир шу муаммоларни ҳал этиш устида бош қотирмоқда.

М. ҚАЮМ.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

ОБУНА—92

• Тадбиркорлик—давр талаби

ЎЗГАРИШ ЎЗ-ЎЗИДАН БЎЛМАЙДИ

ЕКИ БИР ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА ИЎЛГА ҚЎЙИЛГАН ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ИЛК САМАРАЛАРИ

ЕТАКЧИ УДДАБУРОН БЎЛСА

Ленин номли жамоа хўжалиги Боёвут районидаги энг кичик меҳнат жамоаларидан биридир. Лекин хўжалик ҳудудида худди катта жамоалардаги каби кўп миқдорда — уч минг икки юз нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Хўжаликнинг умумий ер майдони эса 1081 гектар, шундан 723 гектари пахтазор бўлса, қолган қисмида бошқа экинлар ўсяпти.

Лекин мавжуд имкониятларнинг ўзидан оқилона фойдаланиб иш юритиш — одамларни иш билан таъминлашга, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳар тарафлама ҳимоя этишга кўмаклаша оладими?

— Тадбиркорлик, ишбилармонлик билан фидокорона меҳнат қилинса ҳар қандай муаммони ҳал қилса бўлади, — деб жавоб беришмоқда якдиллик билан хўжалик раҳбарлари юқоридаги саволга.

Жамоа хўжалиги раиси Султон Раҳмонқулов иқтисодий тежам сирларини қўлланиб, ташкилотчилик билан иш юритишга бутун вужуди билан берилган одам. У асли саноатчи. Район марказидаги пахта тозалаш заводини кўпдан бери муваффақиятли бошқариб келарди. Унинг ўзи, ота-боболари асли шу жамоа хўжалигидан бўлгани учун, хўжалик меҳнаткашлари шу жамоа бошқарувига раис бўласан, деб қатъий талаб қилиб, туриб олишди. Чунки, турли-туман юқоридан тайинланадиган одамларнинг кўнглидагини билмайдиган раҳбарларнинг келиб кетаверишлари натижасида колхоз давлат олдида қарзга ботиб, ўзини ўнглай ололмайдиган даражага бориб қолганди.

Султон Раҳмонқуловнинг раиси кўпчиликнинг иродасига бўйсунишдан бошқа илоҳи қолмади. Завод директорлигини ташлаб, кичкина, иқтисодий жиҳатдан ўта қолоқ хўжаликка раҳбар бўлиб келишга мажбур бўлди.

Ўшанда янги раис ишни жиддий ўзгаришлардан бошлаган эди. Дастлаб кераксиз деб топилган юздан ортиқ штатлар қисқартирилди. Бевосита ишлаб чиқаришда жон қуйдираётган сувчилар, механизаторларнинг ойлик иш ҳақлари эса икки-икки ярим баробар оширилди. Бебаҳо мулк — ернинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиш чоралари белгиланди. Техника, механизациядаги сарф-харажатлар ҳисоб-китоб қилиб чиқилди ва ҳоказо. Натижада икки йилдаёқ хўжалик қолоқликдан чиқиб, давлат олдидаги қаралардан қутилди. Тўртинчи йилга келганда эса деҳқончиликдан йилига ўрта ҳисобда бир миллион сўм атрофида фойда кўрадиган, иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликка айланди.

Хўжалик гарчи ери, ҳудуди жиҳатидан райондаги кичик жамоалардан бўлсада, лекин бу ердаги замонага хос ажойиб ўзгаришлар, туғилаётган ташаббусларга ишбилармонлик ва тадбиркорликлар салмоғи нуқтаи-назаридан қарайдиган бўлсак, у районда эмас, балки вилоятдаги кўзга кўринган жамоалардан бирига айланиб бормоқда. Мана, оддий бир мисол. Бир гектар ердан олинаётган умумий даромад 2845 сўмданга, шунча майдондан олинаётган соф даромад эса 839 сўмданга тўғри келмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, бу — вилоятдаги энг юқори ва фахрли кўрсаткичлардир. Шунинг учун ҳам ўтган йили жамоа меҳнат аҳли 1 миллион 5 минг сўм соф даромад олди. Вилоятнинг ўз сарф-харажатларини қандай қилиб йўлга солишни билмай, қарзга ботаётган кўпгина хўжаликлари бундай ишбилармонлар фаолиятидан ўрнак олсалар ёмон бўлмасди, албатта...

ДАРОМАДГА ҚАРАБ — БУРОМАД

Ҳозир қаерга борсанг, етишмовчилик, қийинчилик, иқтисодий танглигу бошқа камчиликлардан гапирадилар. Турмушда шундай муаммо ва камчиликларга дуч келинаётгани ҳам бор гап, албатта. Лекин гапнинг рости, энди шикоят қилиб, кимлардандир, қаерлардандир ёрдам кутиб, йўқ нарсаларга умид боғлаб ўтирадиган замонлар ўтиб кетди. Минг гапирганинг билан фойдасиз. Мажлисбозлик, гапдонларусафсатабозлар даври ҳам ўтди. Энди ишлаб чиқаришда қўлидан иш келадиган одамлар ишламоғи керак. Хуллас, замона — тадбиркорники, иқтисодчи, ишбилармонники. Номигагина курсини эгаллаб олиб, етишмовчиликлар, қийинчиликлар учун баҳонаю сабаб қидираётганларни энди меҳнат жамоаларининг ўзлари ҳам четга суриб қўядилар. Бунга биргина Боёвут районининг ўзидан ҳам кўп мисоллар келтириш мумкин.

Жамоа хўжалигида уйда ўтирадиган қиз-жувонларни иш билан таъминлаш мақсадида районда биринчилардан бўлиб гилам тўқиш цехи очилган эди. Белоруссиялик қардошлар билан тузилган битим асосида эса бу цех ишини янада кенгайтириш чоралари кўрилаётир. У ердан сунъий ипак маҳсулоти келтирилаяпти. Натижада турли-туман, чиройли ва пишиқ, замонавий палослар тўқиб чиқарилмоқда. Ҳозир бу цехда 50 нафардан ортиқ қиз-жувонлар меҳнат қилишяпти.

Хива гилам тўқиш фабрикаси билан ҳам иқтисодий алоқалар ўрнатилди. У ерга 20 нафар қиз-жувонларни иш ўрганиш учун жўнатишга келишиб қўйилди. Шундан сўнг пат гилам тўқиш цехи ишлай бошлайди, умуман гилам тўқувчилар сони 90-100 нафардан ошади.

Даромадга қараб — буромад, деган гап бор халқимизда. Колхозда минг тоннали мева-сабзавот омборхонаси қурилиши қизғин давом эттирилаяпти. Бу иншоот келаси йили ишга туширилади. Шундан сўнг омборхона дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, йилига камида 1 миллион сўмдан соф даромад келтириши керак. Шунингдек, кўчат етиштирадиган кичик хўжалик ташкил этилмоқда. У ҳам йилига 1 миллион сўмлик фойда берадиган участкага айлантирилади. Орадан бир-икки йил ўтгандан сўнг эса деҳқончилик ва чорвачиликдан йилига камида 2 миллион сўм соф даромад олиш режалари ишлаб чиқилмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, хўжалик тадбиркорлари Россия Федерациясининг Красноярск ўлкаси, Саратов шаҳри, Свердлов вилоятининг Армаль шаҳри, Ярославль шаҳри, Калинин вилояти, шунингдек, Украина ва Белоруссия, қўшни Тожикистон жумҳуриятларининг қатор саноат шаҳарларидаги корхоналар билан иқтисодий алоқалар ўрнатишга муваффақ бўлдилар. Шу туфайли ҳам хўжаликда кенг ҳажмда қурилиш ва ободончилик ишлари ривожланмоқда, маҳаллий саноат корхоналари пайдо бўлиб, аста-секин оёққа турмоқда. Яқин йилларда бу ишлар иқтисодий самараларини бериши турган гап.

Жамоа аъзоларининг ўртача ойлик иш ҳақлари 300 сўмдан ортмоқда ва яна уларга ҳар ойига 60 сўмдан компенсация ҳам тўланмоқда. Ҳар бир қария пенсиясига жамоа хўжалиги ҳисобидан 30 сўмдан қўшимча ҳақ тўланмоқда. Боғчалар аллақачон бепул қилинган. Биринчи синфдан тортиб ўн биринчи синфгача барча ўқувчилар кунига бир маҳал бепул нонушта билан таъминланаётир. Ойига ўн-ўн икки нафар энг тажрибали, жонкуяр, илғор ўқитувчиларга ойлик маошининг 50 фоизи миқдорида хўжалик ҳисобидан ҳар ойда қўшимча ҳақ тўланмоқда.

Айни пайтда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари қизғин давом этаётир. Хонадонлар тўла газлаштирилган, 60 фоиздан зиёд хонадон ичимлик суви билан таъминланган. Қўрғонни шаҳар типида қайтадан барпо этиш устида иш олиб борилаётир. Айни пайтда замонавий боғча, мактаб, маданий-маиший объектлар қурилиши ҳам қизғин бормоқда. Хўжалик маркази, қишлоқларини айланган кишининг ҳаваси келади, баҳри-дили очилади. Буларнинг бари хўжалик иқтисодиётини мустаҳкамлаш туфайли эришилаётган ютуқлардир.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ўрта Осиё темир йўлининг Қарши йўл дистанцияси меҳнат жамоаси ўзига топширилган вазифани сидқидилдан адо этяпти.

СУРАТДА: йўл дистанцияси бошлиғи, меҳнат фахрийси Қўйли Равшанов ҳамда темир йўл крани илғор машинисти Нурали Султонов ремонт ишлари олиб борилаётган йўл участкасида.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзТАГ) олган сурат).

ҚУЛАЙЛИК

Германиядан 2 та тиббий тез ёрдам кўрсатишга мўлжалланган махсус «Баркас» автомашинаси келтирилди. Унинг бири катталар, иккинчиси болаларнинг ҳаёти хавф остида қолганда ёрдамга боради.

Тиббий ёрдам машиналари кислород аппарати-кардиоманитор, наркоз аппарати, кичик операциялар учун мослашмалар ва бошқа замонавий анжомлар билан жиҳозланган.

— Андижон шаҳар Бильдин кўчасида яшовчи Маъ рифатхон Мамасодиқованинг ҳаёти юрак ўйноғи ҳасталиги билан хавф остида қолди, — дейди шаҳар тиббий тез ёрдам кўрсатиш қўнимгоҳи бош ҳакимининг муовини Урия Осмонова, — беморга махсус машинага ўрнатилган замонавий аппаратлар билан юқори савияда тиббий ёрдам кўрсатилди ва унинг ҳаёти сақлаб қолинди. Қизиғи шундаки, кардиоманитор ёрдамида унинг юрак фаолиятини яққол кўриб турдик.

«Баркас» фақат беморларга ёрдам кўрсатиш учунгина эмас, ҳаким ва ҳамширалар, ҳайдовчилар учун ҳам катта қулайликларга эга.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТЎГАРАКЛАР ҚАНИ?

Яқинда сирдарёлик деҳқонлар Фарғона далаларида бўлиб, мусобақадошларнинг ишлари билан танишгандилар. Ўзаро текширув хулосаларига бағишлаган йиғилишда меҳмонлардан бири қишлоқ хўжалигидаги ишлардан олган таассуротларини якунлар экан:

— Дўст ачитиб гапиради дейишади. Бир нарсани айтмасам бўлмас, — деди. — Вилоятингизда давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши борасидаги аҳвол бизни қониқтирмади...

Меҳмоннинг куйинишида жон бор. Тўғри, Фарғонада кейинги даврда давлат тилини жорий этиш борасида анчагина ишлар қилинди. Бироқ камчиликлар ҳам топилади. Кунига юз минглаб одамларнинг иши тушадиган соҳа — транспорт, темир йўл ва фуқаро авиацияси корхона ва идораларини айлансангиз бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Олтиариқ темир йўл бекати гавжум жой. Бу ердан ҳар куни иттифоқ ва жумҳуриятнинг турли томонларига юзлаб кишилар жўнаб кетишади. Аммо кенг ёруғ бекат биноси ичида ўзбек тилида ёзилган битта ҳам эълон, билдирув ёки қатнов жадвалини кўрмадик. Фарғона аэропортида ҳам билдирув ва эълонларнинг аксарияти давлат тилида битилмаган.

— Бирлашмамиз бўйича давлат тилига ўтиш учун деярли юз минг сўмлик харажат қилдик, — дея гапирди «Ферганатранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқарувчиси ўринбосари Н. Исаев, — автобуслар, юк машиналаридаги ёзувлар ўзгартирилди. Кенгашларимиз фақат ўзбек тилида олиб бориляпти. Маршрутларда хизмат қилувчи ҳайдовчиларнинг ҳаммаси эълон ва билдирувларда давлат тилидан фойдаланишади.

— Ўзим ўзбек тилини яхши биламан, — дейди бирлашма кадрлар бўлими бошлиғи В. Шульга, — лекин бухгалтерия, молия, режалаштириш каби бўлимларда ҳужжатлар асосан рус тилида юритилади. Бунинг сабаблари бизга боғлиқ эмас. Масалан, маълум қоидалар асосида тўлдирилиши шарт бўлган расмий ҳужжатлар намуналари фақат рус тилида битилган. Афсуски, биз ўзимизча уларни таржима қила олмаймиз. Чунки тармоқ бўйича бундай ҳужжатлар ягона тартибда тўлдирилиши лозим.

Аммо Фарғона автовокзалида бўлганимизда айрим автобуслардаги ёзувлар давлат тилида битилмаганини кўрдик. 2504-автоколоннада деярли барча ҳужжатлар рус тилида юритилар экан. Тил ўрганиш масаласи ҳам ўлда-жўлда. Аввалига бу ерда 20 кишилик ўзбек тилини ўрганиш тўгараги ишлаб турган. Кейинчалик, негадир унинг фаолияти тўхтаб қолган. Автомобилчилар корхоналарида бўлганимизда раҳбарлар ҳамма иш кўнгилдагидек кетяпти, дея лоф уришди. Дарҳақиқат, четдан қараса аҳвол яхшидай туюлади. Идоралар номлари, турли шиор ва эълонлар ўзбекча ёзилган. Мана, йиғилишлар ҳам ўзбек тилида ўтказиляпти, дея йиғилишлар ҳисоботларини ғурур билан олдимизга қўйишади. Аммо бу соҳада ҳали давлат тили ҳужжатлар тилига айланди, ишхоналарда асосий муомала тили бўлиб қолди дейишга эрта.

Фарғона троллейбус бошқармаси идораси ҳудудига кирган одам ўзини қаерда эканлигини унутади. Зеро, бу ерда оддий кўрсаткичдан тортиб, ҳурмат тахтасигача бўлган битикларнинг ҳаммаси русча. Корхона бош муҳандиси А. Муҳсинов: «Тўғри, бу борада ишимиз яхши эмас», дея тан олди. Қизиқ, ишни яхшилаш учун қўл қовуштириб ўтиришдан бошқа чора йўқмикан? Ажабланарлиси шундаки, корхонада ўтган йили ташкил этилган ўзбек тилини ўрганиш тўгараги ҳам худди шундай лоқайдлик, эътиборсизлик туфайли тўхтаб қолган. Ҳолбуки, тўгаракда машғулотлар ўтказиш учун ўқитувчи топиб берган ташкилот ҳисобига бир минг бир юз сўм пул ўтказилган эди. Олти ой шуғулланиш ўрнига тингловчилар икки ойга етиб-етмай тил ўрганишгандек бўлишди-ю, иш тўхтади. Аммо на маъмурият на партия ташкилоти тўгарак ишини жонлантиришга ҳаракат қилган.

Тилга эътибор— элга эътибор

Умуман, ўзбек тилини ўрганиш тўгараклари давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилингач, ёмғирдан кейинги қўзиқоринлардай бирдан потирлаб кўпайди-ю, лекин жонланиш узоқ давом этмади. Номигагина ташкил этилган бу тўгараклардан наф кам бўлди. «Ферганатранс» бирлашмасининг 2504-автоколоннаси, троллейбус бошқармаси ва бошқа кўплаб корхоналардаги тўгараклар деярли фойда бермаган. Ҳолбуки, бу тўгаракларни ташкил этиш учун давлатнинг мўмай маблағи, одамлар ва ўқитувчиларнинг қимматли вақтлари кетган эди.

Айрим жойларда ўқитувчиларнинг малакаси пастлиги, машғулотларни кўнгилдагидек олиб бормаганларидан нолишади. Ўқитувчилар эса, ўқувчиларнинг интизомсизлигини, ўқувни яхши ташкил этишда маъмурият ва жамоатчилик ташкилотлари беparво бўлди, деб айтишади. Албатта, эълон ва жой номларини ўзбекча ёзиб қўйиш унча мушкул иш эмас. Энг муҳими, одамлар тил билиши керак. Тил ўрганиш тўгараклари фаолиятига панжа орасидан қараш эса бу хайрли ишни хўжакўрсинчиликка айлантириб юбориши мумкин. Қолаверса, бу фақат автомобилчилар соҳасида юз бераётган камчилик эмас. Вилоятдаги кўпгина бошқа тармоқлардаги шундай тўгараклар иши ҳам қониқарсиз.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ГУЛ БАЙРАМИ

РЕПОРТАЖ

Наманган шаҳри марказида жойлашган Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи байрам либосида. Уни шаҳар корхоналари, ташкилотлари ва гул шайдоси бўлган юзлаб оилалар ўзларининг плакатлари, паннолари, анвойи гуллари билан безатишган. Гул байрамига жумҳуриятимиз турли вилоятларидан, шунингдек қўшни Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа республикалардан ҳам меҳмонлар ташриф буюришган. Бутун боғни тутиб кетган турфа гулларнинг муаттар ҳиди ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг куй ва қўшиқлари байрам иштирокчиларига ғоятда кўтаринки кайфият бағишламоқда.

Ҳар йили ўтказиладиган ушбу анъанавий гул байрамининг ўзига хос томонлари бор. Унда жумҳуриятимиз вилояти ҳаётидаги муҳим бир йўналиш ўз аксини топади. Бу галги байрам ҳам Навоийнинг 550 йиллиги ҳамда Машрабнинг 350 йиллик таваллудига бағишланганлиги билан ҳам аҳамиятли бўлди. Гул шайдолари Навоий ва Машрабнинг сиймоларини гуллардан ясаб, ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Маданият ва истироҳат боғига кирар экансиз, йўлкалар четида Наманган шаҳридаги барча ташкилот, корхона, муассасалар ҳамда оилавий гулчиларнинг кўргазмаларига дуч келасиз. Боғнинг ён дарвозаси томонида вилоят тиббиёти муассасалари кўргазмаси жой олган. Улар байрамга ўзлари меҳнат қилаётган шифохоналарда ўстирилаётган юз хилдан ортиқ турли гулларни ва гул ҳақидаги видеокўрсатувни олиб келишган. Йўлка бўйлаб юрар экансиз Наманган аврли газламалар фабрикаси, мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, бадиий буюмлар фабрикаси, ўрта мактаблар жамоаларининг кўргазмаларига кўзингиз тушади. Бу кўргазмалардаги гулларнинг бир-биридан чиройли ва хилма-хиллигини кўриб, баҳри-дилингиз очилади.

Гул байрамига Уйчи районининг Ёртепа қишлоғида истиқомат қилувчи Раҳимжон Абдукаримов оила аъзолари билан ўз хонадонида ўстирилган 60 хилдан ортиқ гулни олиб келибди. Раҳимжон ака ҳар йили гул байрамида иштирок этишни отасидан ўрганган. Эндиликда у болаларини ҳам дўстлик ва бахт-саодат рамзи бўлган гулни севишга чоғламоқда. Унинг қаршисида жойлашган Жўрахон ака Мўминов Наманган шаҳридан. У кактуснинг шайдоси. Кўргазмага шу гулнинг 500 турини олиб келибди.

— Уйимизда кактус гулининг минг тури бор, — дейди Жўрахон ака. — Жой тор бўлганлиги учун ҳаммасини бу ерга олиб келишнинг иложи бўлмади. Оилам билан 25 йилдан буён шу гулнинг турларини йиғамиз, гул байрами эса оламизга чинакам шодлик келтиради.

— Гул байрамида мукофотли ўринларни ҳам олгансизми?

— Албатта. Бундан 10 йил муқаддам мукофотга енгил машина беришган эди. Ундан кейинги йилларда ҳам видеомагнитофон ва бошқа мукофотлар билан тақдирландим. Умуман ҳар йили фахрли ўринларни олиб турамиз.

Йўлка бўйлаб яна бироз юргач Адҳамжон Абдуллаевлар оиласи келтирган гуллар кўргазмасига дуч келдик. Оиланинг уч ога-инисига ҳам гулчилик ота касби. Уларнинг гулдан ясаган Алишер Навоий сиймоси ҳаммаларнинг диққатини тортди.

Гул байрамидан кўпчилик мамнун бўлди. Айниқса, — Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятлари ҳамда бошқа жумҳуриятлардан келган меҳмонларнинг таассуротлари чексиз бўлди.

— Наманган ўз номи билан гуллар шаҳри эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик, — дейишди меҳмонлар.

Ҳа, Наманган чиндан ҳам гуллар шаҳри. Азалдан дўстлар манзилгоҳи ва ота-боболаримиздан қолган тарихий анъаналар, миллий урф-одатлар қадр топган маскан.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОБУНА-92

Ф. СП–1

ССЖИ Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи 64583 (нашр кўрсаткичи)

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ»

(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Куни кеча рўзномамиз қаламкашлари Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк», Терешкова номли жамоа хўжаликларида, Қорасув қишлоқ Совети ва «Қоинот» болалар боқчасида бўлиб, муштарийлар фикр-мулоҳаза, талаб ва истакларини ўрганишди. «Северний маяк» жамоа хўжалиги маданият саройида эса саккиз ойдан бери қозоқ тилида босилаётган «Достык туы» («Дўстлик байроғи») республика рўзномаси ҳамда «Совет Ўзбекистони» бир гуруҳ ижодкорларининг муштарийлар билан мулоқотида район жамоа ва давлат хўжаликлари идораларидан фаоллар, матбуот нашрлари тарқатиш бўлимидан вакиллар иштирок этишди.

Қуйида муштарийларнинг рўзномамиз ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, талаб-истаклари баён этилади.

М. ИКРОМОВ, район партия қўмитаси биринчи котиби, район Кенгаши раиси: — Район ҳудудида 36 миллат вакиллари яшаб, меҳнат қилмоқда. Тўйлар ҳам, маъракалар ҳам биргаликда ўтказилади. Лекин ҳар бир миллатнинг ўзига хос урф-одати, расм-русуми, касб-кори бор. Уни бошқа миллат киши-си худди аслидай қилиб такрорлай олмайди.

Ҳар бир миллатнинг ўз-қадриятлари, бой тарихи бор. Биз ана шу қадриятларнинг қадрига етсаккина миллатлараро низолар олдини оламиз. Тинчлик, осойишталик таъминланган жойда эса қут-барака, файз бўлади. «Совет Ўзбекистони» ва «Достык туы» ҳам ана шу мавзуда қатор чиқишлар уюштирди. Биз учун улар қадрлидир. Лекин, истардикки бундан кейинги мақолалар миллатлараро дўстликнинг туб илдизларини очиб берса.

Д. ҲОЖИБЕКОВ, район байналмилал бўлимининг қозоқ шўъбаси раҳбари: — «Совет Ўзбекистони» рўзномасига 27 йилдан буён обуна бўламан. Ундан жуда кўп нарса ўрганганман. Эндигина оёққа турган «Достык туы» янги рўзнома ҳам кўплаб ўз муштарийларига эга бўлади, деб ўйлайман. Ҳар иккала рўзнома қаламкашларидан сўрар эдимки, тил ҳақидаги мақолалар бот-бот бериб турилса. Чунки, айни пайтда ўз тилимизда гаплашолмайдиганлар топилади. Мақола муаллифлари тажрибали тилчи олимлардан бўлса янаям мақсадга мувофиқ бўларди.

А. ЯЙЛОВОВ, 17-мактаб директори: — рўзноманинг 4-саҳифасида қизиқарли хабар-мақолалар босилаётганини таъкидлаш керак. Лекин улар ҳали кам. Шу саҳифани мунтазам ўқишли қилиш учун ижодкорлар кўпроқ жон куйдиришлари лозим бўлади. Рўзнома муштарийлар хабарлари билан жонлидир. Шу боис бундан кейин улар арзларига, хат-хабарларига кўпроқ ўрин берилса.

Ф. МАНСУРОВ, Терешкова номли жамоа хўжалиги партия ташкилоти котиби: — Бу йил обуначилар сони ўтган йилдагидан кам бўлмайди, деб ўйлайман. Чунки рўзнома районимиз меҳнаткашлари меҳнат ютуқлари, ташаббусларини, турли янгиликларни яхши ёритади. Биз партия бадалидан тушган 470 сўм пулни рағбатлантириш мақсадида меҳнат фахрийлари бўлмиш коммунистларнинг обуна эҳтиёжларига сарфламоқчимиз. Сабзавот маҳсулотларидан олинган қўшимча даромад ҳам шу мақсадга хизмат қилдирилади. Жамоа хўжалиги бошқаруви қарори билан моддий ёрдамга муҳтож 16 оила ва 26 меҳнат фахрийси вақтли матбуот нашрларига бепул обуна қилинади. Истагим: почта ходимлари ишидан кўпчилик норози, Бу борада рўзнома ёрдамидан умидвормиз.

Ш. МУЗАФФАРОВА, К. ИСМОИЛОВА, М. НАЗИРОВА, тарбиячилар: — рўзномада қадриятларимиз, маданий меросимиз ҳақида яхши мақолалар берилди. Бироқ ҳикоянавис ва болалар шоирларига кам ўрин ажратилади. Биз болалар тарбиясига, ахлоқ-одоб мавзуига оид хабарларни, ишимизга ёрдам берадиган мақолаларни ўқишни истардик. «Турмуш чорраҳаларида» рукни остида қайнонакелин мўносабатлари тўғрисида чиқишлар уюштирилса яхши бўларди.

У. МАМБЕТОВ, Қорасув қишлоқ Совети раиси: — «Совет Ўзбекистони» — ўзига хос рўзнома. Босиқ, вазмин. Шу жиҳатлари билан у бошқа нашрлардан ажралиб туради. Шунданмикин, ҳар ҳолда кўпчилигимиз унга обуна бўлиб келамиз. Келаси йил учун обуна ташкилий жиҳатдан яхши ўтишига ишонаман.

А. КАРИМОВ, Раватак қишлоғи маҳалла қўмитаси раиси:— Рўзнома билан қадрдонлигим узоқ йилларга бориб тўшади. Ундан олган маънавий озиқни эса ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Бу йил ҳам бир ойлик пенсия пулимнинг 120 сўмини рўзномаларга, 80 сўмини жаридаларга сарфламоқчиман. Улар орасида «Совет Ўзбекистони» ҳам бор.

У. БЕЙСЕНОВ, қишлоқ Совети депутати: — Обуначиларни иккилантираётган нарса, бу — почта хизматининг ёмон йўлга қўйилганлиги. Рўзномалар икки-уч кундан кейин тарқатилиши ҳоллари кўп учраб туради.

М. КАРИМОВ, фахрийлар кенгаши раиси: — Рўзномага обуначилар сонини кўпайтиришга ҳаракат қиламиз. Истагим: марказий рўзномаларда эълон қилинган энг қизиқарли мақолалар «Совет Ўзбекистони»да қисқартирилган ҳолда бўлса-да, таржима қилиб босилса.

Муштарийлар фикр-мулоҳазаларини оққа кўчирувчи

А. МАННОПОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЁРДАМ БЕРИНГ

Мен «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг кўп йиллик мухлисиман. Ҳар йили рўзғоримдан қисиб-қимтиб бўлсада унга обуна бўляпман. Бу одатимни сира канда қилаётганим йўқ. Гарчи нархи ошган бўлсада келгуси йил учун ҳам унга албатта ёзиламан.

Ушбу хатни редакцияга бошқа мақсадда йўллаяпман. уни ёзишимга кунда-кунора рўй бераётган бир воқеа сабаб бўляпти. Алоқа бўлими ходимларининг айби билан баҳоли-қудрат обуна бўлган рўзномаларимни вақтида ололмаяпман. Бунинг сабабини билиш мақсадида улар билан учрашдим. Аммо ҳар хил баҳоналардан бошқа бирор тайинли гап эшитганим йўқ. Тўғри, шундан сўнг икки-уч кун мобайнида рўзноманинг бир хил сонларини тўплаб олиб келишди. Яна уларга учрашдим. «Келтиргандан сўнг ўқийверингда» деган гапдан бошқа жавоб эшитмадим. Буниси ҳам ҳолва экан. Ўз ҳақимни талаб қилсам «Қаерга борсанг боравер, қимга шикоят қилсанг қилавер» деб ҳақорат ҳам қилишди. Ёшим 64 да. Меҳнат фахрийсиман. Маҳалла кўйда ҳамма ҳурмат қилади. Аммо бир нарсани тушуна олмаяпман: обуна ҳақи пул тўлаб, рўзнома ўрнига алоқа бўлимидан ҳақорат эшитсам-а? Бу қайси қонунга сиғади. Илтимос, ёрдам беринглар. Менинг яшаш жойим Самарқанд вилояти Зиёвиддин станцияси, Мирзо Улуғбек кўчаси 11 уй.

Нормамат РАВШАНОВ.

СИЗ „СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ“ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

Ҳадемай 1992 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна бошланганлигига бир ой бўлади.

Хўш, ўзингиз ёқтирган қайси даврий нашрларга ёзилдингиз? Ёки ҳали ҳам ўйлаяпсизми? Маслаҳатимиз — вақтни бой бермай тезроқ бир фикрга келинг. Албатта, фақат «Совет Ўзбекистони»га обуна бўлишингиз шарт, деб мажбур қилмоқчи эмасмиз. Лекин айнан бизнинг рўзномани танласангиз, ҳеч ютқазмайсиз. Чунки:

— **«Совет Ўзбекистони»** энг оммавий ва энг обрўли, тарихга бой, ажойиб анъаналарга эга отохон рўзномалардан бири;

— **«Совет Ўзбекистони»** келаси йилда ҳам ўз мақолаларида ҳалол, виждонли, ишбилармон, уддабурон, фидокор меҳнат кишисини улуғлайди;

— **«Совет Ўзбекистони»** Ўзбекистон Компартияси тутган аниқ-равшан йўлни кўзгудагидек акс эттиради. Бу йўл кўп миллатли жумҳуриятимиз аҳолиси манфаатларига мосдир. Бу йўл Ўзбекистон ССР-ни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш, сиёсий ва маданий кўтаринкиликни таъминлаш асосида халқимиз учун муносиб ҳаётни таъминлашдан иборатдир.

Азиз муштарийлар!

— **«Совет Ўзбекистони»** жумҳуриятимиз олдидаги қийин, мураккаб вазифалар турганлигини яхши билади. У мазкур муаммоларни яширмай, камайтирмай борича кўрсатади, энг муҳими, боши берк кўчадан чиқишнинг, танг аҳволни бартараф этишнинг йўлларини қидиришга кўмаклашади.

— **«Совет Ўзбекистони»** бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга, уларнинг дардини енгиллаштиришга интилаётган меҳнат жамоаларининг тажрибасини оммалаштириш, бу муҳим масалага панжа орасидан қараётган партия, совет, касаба союз ташкилотлари ва хўжалик идораларининг ўқувсизлигини кўрсатиш учун бутун чораларни кўради.

— **«Совет Ўзбекистони»** ҳамма вақт байналмилалчилик йўлида турган. У бундан буён ҳам жумҳуриятимиз ҳудудида яшовчи барча миллат ва элатлар ўртасида миллий тотувлик, тенг ҳуқуқлилик барқарор бўлишига ўз ҳиссасини қўшаверади;

Фурсатдан фойдаланиб, жамоатчи тарқатувчиларга айтадиган бир оғиз гапимиз бор: юқоридаги фикр-мулоҳазаларни ўқувчиларга тушунтириш, рўзномага обунани ташкил этишда сизларнинг ўрнингиз алоҳида. Муҳарририят буни ҳисобга олиб «Совет Ўзбекистони»нинг энг фаол жамоатчи тарқатувчилари учун совринлар таъсис этмоқда. Ҳа, обуна якунига кўра **«Совет Ўзбекистони»га обунани уюштириш ва ўтказишда юқори кўрсаткичларга эришганларни:**

— **ҚИММАТБАҲО СОВҒАЛАР;**
— **ПУЛ МУКОФОТЛАРИ;**
— **МУҲАРРИРИЯТНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҚЛАРИ ВА ДИПЛОМЛАР КУТМОҚДА.**

Сизларга омад ёр бўлсин!

Эслатиб ўтамиз: **«Совет Ўзбекистони»нинг нашр кўрсаткичи — 64583. Обунанинг йиллик нархи 25 сўм 68 тийин, олти ойга эса 12 сўм 84 тийин.**

СПОРТ

МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАР

● Москвада бокс бўйича ўтказилган СССР ўсмирлар турнирида жумҳуриятимиз спортчилари муваффақиятли куч синашдилар. Барча учрашувларини кўтаринки руҳда ўтказган Р. Иброҳимов билан Қ. Шукуров ғалаба қозонib, ғолиблик супасига кўтарилишди.

БЕЛЛАШУВ УСТАСИ

● Барселона шаҳрида ўтказилган беллашувлар грекрим усулида олиб борилди. Ўсмирлар жаҳон чемпионлиги унвони учун беллашдилар. Мусобақада иштирок этган самарқандлик Наврўз Усмоновнинг омади келди. У Ўзбекистонда спортнинг кураш турига алоҳида эътибор берилаётганлигини ўзига хос маҳорат билан намойиш этди. Алексей Лининг шогирди ҳал қилувчи баҳсни олмониялик курашчи Майдс билан ўтказиб, ғалаба қозонди. Наврўзнинг ютуғи жумҳуриятимизда моҳир полвонлар камол топаётганидан далолатдир.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● Биринчи лига жамоалари ўртасида навбатдаги учрашувлар ўтказилди. Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари Бокунинг «Нефтчи» жамоасини қабул қилиб, дарвозага битта тўп киритиш билан ғалаба қилишди. Наманганинг «Навбаҳор» жамоаси эса ўз майдонида Сухуми динамочиларини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Фарғона водийси жамоаларида 28 тадан очко тўпланди.

● «Политотдел» стадионида собиқ пахтакорчи Михаил Ан хотира-соврини учун анъанавий мусобақа ўтказилди. Ҳал қилувчи учрашув Оржоникидзе районининг «Қизил Ўзбекистон» колхози футболчилари билан Коммунистик районининг «Ленинский путь» жамоаси ўртасида бўлди. Ўйин Оржоникидзе районнинг футболчилари фойдасига 5:1 ҳисобида ҳал бўлди.

Абдувоит УСАНОВ

Бевақт ўлим Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг таниқли ва моҳир ташкилотчиларидан бири — Жиззах вилоятидаги «Бахмал» тажриба-намуна давлат хўжалигининг директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Абдувоит Усановни орамиздан олиб кетди.

Абдувоит Усанов 1928 йилда ҳозирги Бахмал районининг Қарапчи қишлоғида туғилди. Оғир уруш йиллари унга ўн тўрт ёшидан қишлоқ хўжалигида ишлашни тақозо этди. 1941 йилда колхозда дала ҳисобчиси бўлиб иш бошлаган А. Усанов катта ва мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтди: қишлоқ Советида котиб, совхозда агроном, бўлим бошқарувчиси бўлди. Унинг катта ташкилотчилик қобилияти, қишлоқ хўжалиги муаммоларини чуқур тушуниш, билиш маҳорати у айниқса кўп тармоқли «Бахмал» совхозида директор бўлиб ишлаган йилларда яққол намоён бўлди.

Абдувоит Усанов «Бахмал» совхозига 25 йил узлуксиз раҳбарлик қилди. Асосан ғаллачиликка ихтисослашган совхоз бу йилларда қишлоқ хўжалик билимларини ҳаётга кенг жорий этган йирик чорвачилик хўжалигига айланди. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлар академияси Ўрта Осиё бўлимининг (эндиликда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлар академияси) таянч-намуна хўжалигига айланди. «Бахмал» таянч-намуна хўжалигида Ўзбекистонда чорвачиликни илмий асослашда ривожлантириш, фан ютуқларини ҳаётга дадил татбиқ этиш, қорамолларнинг зотини яхшилашда сезиларли ишлар қилинди. Америка Қўшма Штатларидан келтирилган «Санта гертруда» зотли қорамолларни Ўзбекистон иқлимига мослаштиришда Абдувоит Усанов катта жонбозлик ва қатъийлик кўрсатди. Натижада бугун бир тоннадан ошириб тош босадиган зотдор қорамоллар «Бахмал» совхози чорвадорларининг катта кашфиёти бўлиб қолди.

Абдувоит Усанов айни пайтда жумҳурият, вилоят ва район қишлоқ хўжалигида самарали иш олиб бораётган жуда кўплаб кадрларнинг устози ҳам бўлиб танилди. А. Усановнинг кўп йиллик ва самарали меҳнати, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги тараққиёти йўлидаги меҳнати муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими унвонига сазовор бўлди. Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари ва медаллари билан мукофотланди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, фан омилларини ҳаётга жорий этишда жонбозлик кўрсатган, қишлоқ хўжалигининг моҳир ва ташкилотчи раҳбари бўлиб танилган Абдувоит Усановнинг номи уни билганлар қалбида яшайди.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлар академияси.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ТЕАТР АРБОБЛАРИ УЮШМАСИ АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ 550 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ

1991 йил,
3 СЕНТЯБРДАН 15 СЕНТЯБРГАЧА
жумҳурият театрлари фестивал-беллашувини ўтказади

3 СЕНТЯБРЬ

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ

соат 12.00 да «Сабъан сайёр». А. Навоий достони асосида Ҳайдар Муҳаммад пьесаси;

соат 19.00 да «Алишер Навоий». Уйғун ва Иззат Султон асари янги таҳрир ва янги талқинда (спектакллар театрнинг ўз саҳнасида кўрсатилади).

4 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

НАВОИЙ НОМИДАГИ НАМАНГАН ВИЛОЯТ МУСИҚАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИ

«Адолат куни». Жўра Маҳмудов асари, Т. Содиқов мусиқаси, (Ҳамза театри саҳнасида).

5 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ

«Алишер Навоий». Мутал Бурҳонов мусиқаси (ўз саҳнасида).

6 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

МАННОН УЙҒУР НОМИДАГИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИ

«Алишер Навоий». Уйғун, Иззат Султон асари (Ҳамза театри саҳнасида).

7 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДРАМА ТЕАТРИ

«Искандар» Алишер Навоийнинг достонлари асосида Шуҳрат Ризаев пьесаси (ўз саҳнасида).

8 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

ЮНУС РАЖАБИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ

«Лайли ва Мажнун». Хуршид асари, Толибжон Содиқов мусиқаси (Ҳамза театри саҳнасида).

9 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

ОЛИМ ХЎЖАЕВ НОМИДАГИ СИРДАРЁ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ

«Адолат куни». Жўра Маҳмудов асари, Т. Содиқов мусиқаси (Ҳамза театри саҳнасида).

10 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ АНДИЖОН ВИЛОЯТ МУСИҚАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИ

«Фарҳод ва Ширин». Алишер Навоий достони асосида, Комил Яшин асари, Юнус Ражабий ва Георги Мушель мусиқаси (Ҳамза театри саҳнасида).

11 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

РАҲМАТ МАЖИДИЙ НОМИДАГИ КАТТАҚЎРҒОН ШАҲАР ТЕАТРИ.

«Навоий Астрободда». Иноят Маҳсумов асари (Ҳамза театри саҳнасида).

12 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

ОГАҲИЙ НОМИДАГИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ

«Лайли ва Мажнун». Хуршид асари, Т. Содиқов мусиқаси (Ҳамза театри саҳнасида).

13 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ

«Лайли ва Мажнун» (балет). Улуғбек Мусаев (ўз саҳнасида).

13 СЕНТЯБРЬ СОАТ 12.00 ДА

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЖУМҲУРИЯТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИ

«Фарҳод ва Ширин». А. Навоий достони асосида, Комил Яшин асари, Юнус Ражабий ва Георгий Мушель мусиқаси (ўз саҳнасида).

Мурожаат учун телефонлар: 44-24-47, 44-17-51.

Ўзбекистон ССР давлат таъминот кооперациясининг

РЕСПУБЛИКА ТИЖОРАТ-АХБОРОТ БИРЛАШМАСИ
4—6 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ

(рўзноманинг 21 август сонида эълон қилинганидек 17—19 сентябрь кунлари эмас)

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида корхоналар, ташкилотлар, тижоратлар, кооперативлар, жамоат ва шўро хўжаликлари учун

РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-САНОАТ ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Маълумотлар учун телефонлар: 34-53-78, 34-53-90, 41-16-60.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Давлат таъминот кооперациясининг
«САМАРҚАНДГЛАВСНАБИ» ТИЖОРАТ МАРКАЗИ
1191 ЙИЛ 11—12 СЕНТЯБРДА

САМАРҚАНД ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН

БУТУНИТТИФОҚ ЯРМАРКАСИГА

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

ЯРМАРКА ДАСТУРИДА:
корхоналар, ташкилотлар ва кооперативлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш;
савдо битимларни имзолаш;
бартер операцияларини амалга ошириш;
худуддаги корхоналарнинг давлат буюртмаларидан ортиқча ишлаб чиқараётган маҳсулотларини сотиш.

Ярмарка қуйидаги манзилгоҳда ўтказилади: Самарқанд шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 85 «а» уй, тижорат марказининг кўргазмалар залида.

Буюртмалар бериш ва маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-50-58, 35-49-84, 35-77-11.

1991—92 ўқув йилида тайёрлов бўлимига қабул қилишнинг айрим қоидаларида ўзгариш бўлиши муносабати билан ТошПМИнинг шу йил 24 июлда «Совет Ўзбекистони» рўзномасидаги эълон

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тайёрлов бўлимига кириш ва мавжуд қоидалар ҳақида маълумот олиш учун ТошПМИнинг тайёрлов бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй (19, 156, 165. автобусларнинг «Ётоқхона» ёки «ТошПМИнинг янги биноси» бекати).

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари вазирлиги вазирлигининг Сурхондарё вилояти бўйича бош мутахассиси Ч. Баҳромовга отаси

Баҳром АКРОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат аграр дорилфунуни ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари илмий котиб, доцент, Ўзбекистон СССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси Ш. Темуровга онаси

Саодатхон АБДУРАҲМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши — советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-36-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-15-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика— 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35,32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12 Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5811.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 21.30
№ 165.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12